

**Қорақалпоғистон Республикаси  
Санитария эпидемиологик осойишталик  
ва жамоат саломатлиги хизматининг  
2022 йил 18апрелдаги 23-П-сон  
буйруғига 10-илова**

## **Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш УСЛУБИЁТИ**

Мазкур услубиёт Қорақалпоғистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва унинг ҳудудий бўлимларига (кейинги ўринларда -Ташкилот) юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидаларни белгилаш шунингдек, бошқармада коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантириш тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Қўйидагилар бошқармадаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг асосий йўналиши ҳисобланади:

Бошқарма фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарга мойил бўлган функция ва лавозимларни белгилаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали чораларни ишлаб чиқиши.

2. Бошқармадаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда қўйидагилар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофик:

Бошқармада, коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур;

Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси.

3. Бошқармадаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили ёки қўйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти юзага келганда;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ўзгарганда;

коррупцияга мойил функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи бошқарманинг ички ҳужжатлари ўзгариши;

Бошқарма тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши;

Бошқармада коррупциявий хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитларнинг келиб чиқиши.

### **2-боб. Асосий тушунчалар**

4. Ушбу Услубиётда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**қолдиқ хавф-хатар** – коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришга қаратилган чоралари қабул қилинганидан сўнг қолувчи хавф-хатар (амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсатни ва хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда);

**коррупциявий хавф-хатар** – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан бошқарма номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи;

**коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш** – бошқарма томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти;

**коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган ҳаритаси** – бошқармадаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ва бошқарма функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи бирлашган ҳужжат;

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёхуд учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қофоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиши;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**тартиб-таомил** – бошқарма функцияларини амалга ошириш доирасидаги ходимлар, бўлинмалар томонидан бажариладиган ёки битта натижага қаратилган, ёхуд маълум бир функциянинг ажralmas элементи ҳисобланган, аломатлар бўйича бир гуруҳга бирлаштириш мумкин бўлган ҳаракатлар йиғиндиси;

**функция** – бир нечта тартиб-таомилни ўз ичига олиши мумкин бўлган бошқарманинг фаолият йўналишларидан бири;

**эксперт фикри** – аниқ факт ёки ҳодиса бўйича ходим ёки бўлинманинг субъектив қараши ёки фикрига асосланган қарори.

**ўзига хос хавф-хатар** – бошқарма фаолияти ва амалга оширилаётган функциялари доирасидан келиб чиқадиган хавф-хатар, шу билан бирга уни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳисобга олинмаганлиги ҳолда (амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб таомиллари, хавф-хаталарни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ва ҳисобга олинмаслик);

**вилоят бошқармаси ва туман/шахар бўлимларининг коррупциявий хавф-хатарлари ҳаритаси** – бошқарманинг ҳудудий ёки таркибий бўлинмасидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари хамда бунга масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи ҳужжат.

### **3-боб. Коррупцияга қарши ички назорат тузилманинг вазифалари**

5. Бошқармадаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) томонидан бошқарма раҳбари топшириғи асосида амалга оширилади. Бошқарма раҳбари топшириғида баҳолашни ўтказишнинг аниқ муддатлари кўрсатилади.

6. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда Ички назорат тузилмаси қуидаги вазифаларни амалга оширади:

коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларни жалб қилган ҳолда хавф-хатарларни баҳолаш жараёни ташкиллаштиради;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан умумий назоратни амалга оширади;

бошқарма раҳбарига хавф-хатарларни баҳолаш натижалари ва коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тақдим этади;

тасдиқланган хавф-хатарлар харитаси асосида ҳудудий ва таркибий бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хulosса беради;

вилоят бошқармаси бўлимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини ишлаб чиқади ва бошқарманинг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул раҳбар ўринbosари билан келишади;

бошқармада коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини мувофиқлаштиради ва уларни назорат қилади;

ушбу Услубиётда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

7. Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар қуидаги вазифаларни амалга оширади:

тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинмаларда коррупциявий хавф-хатарлар баҳоланишини ташкил қилади ва ўтказади;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан назоратни амалга оширади;

коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурларини ишлаб чиқади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинмаларда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини амалга оширишни мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

ушбу Услубиётида кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар зарур ҳолларда тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинма ходимларидан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

#### **4-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш**

8. Ташкилотда коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш жараёни тегишли буйруқлар ва уларда кўрсатилган муддатлар асосида амалга оширилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолашнинг умумий муддати 3 ойдан ошмаслиги лозим.

9. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини дастлабки баҳолаш ва тегишли функциялар доирасида бошқарма ходимлари томонидан амалга ошириладиган айrim тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашни ўз ичига олади.

10. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш, пастдан (тегишли марказий, ҳудудий ва таркибий бўлинмалардан) тепага (ташкилот даражасигача), мазкур бобнинг 12-21 бандларида кўрсатилган тартиб ва кетма-кетликда амалга оширилади.

11. Ички назорат тузилмаси ушбу Услубиётга 1-иловада келтирилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш бўйича ҳудудий ва таркибий бўлинмаларга кўрсатма юборади.

Кўрсатмада тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини Ички назорат тузилмасига тақдим этиш муддатлари кўрсатилиб, бу муддат йигирма беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

12. Бошқарманинг марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилиб, Ички назорат тузилмасига ягона Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш мақсадида киритилади. Бошқарма таркибий бўлинмаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Ички назорат тузилмаси томонидан бошқарманинг коррупцияга қарши курашиш йуналишига масъул раҳбар ўринбосари билан келишилади.

13. Бошқарманинг ҳудудий ва таркибий муассасаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинманинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари томонидан ишлаб чиқилади ва тегишли ҳудудий ва таркибий муассаса раҳбарлари билан келишилади. Тегишли раҳбар билан келишилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Ички назорат тузилмасига кўриб чиқиш учун киритилади.

14. Бошқарма ва таркибий бўлимлари томонидан ишлаб чиқилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига оид саволлар юзага келган тақдирда, Ички назорат тузилмаси ходимлари тегишли таркибий бўлинмага изоҳ бериш ёки харитага тузатиш киритиш учун сўров юборади. Бунда, сўровга жавоб сўров олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда юборилиши лозим.

15. Ички назорат тузилмаси ходимлари ўз экспертилик фикрига таянган ҳолда Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига ўзгаришилар киритишлари мумкин.

16. Бошқарманинг коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида Ички назорат тузилмаси бошқарманинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини ишлаб чиқади.

17. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тузиш муддати, марказий аппарат ва ҳудудий бошқармаларининг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси тасдиқланган санадан бошлаб, ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

18. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси ташкилот Ички назорат тузилмаси тақдимномасига асосан ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

19. Қолдик коррупциявий хавф-хатарнинг юқори даражаси билан ифодаланадиган тартиб-таомиллар учун Ички назорат тузилмаси ва коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар ушбу Услубиётнинг 2-иловасига мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатини ишлаб чиқади.

20. Ташкилотнинг коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар тақдимномасига асосан бошқарма раҳбари ва тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

21. Коррупцияга қарши курашиш бўйича тузилма томонидан тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитасида белгиланган чора-тадбирларга асосан ҳудудий ва таркибий бўлинмаларнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ушбу Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси тасдиқланган санадан ўн иш куни ичida ишлаб чиқилиб тасдиқланади.

Ҳудудий ва таркибий муассасаларнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури Ички назорат тузилмаси билан келишилгандан сўнг тегишли ҳудудий ва таркибий муассаса раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

22. Ташкилотнинг Коррупцияга қарши курашиш дастури марказий аппарат бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарлари минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини инобатга олган ҳолда Ички назорат тузилмаси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда бошқарма раҳбари томонидан тасдиқланади.

## **5-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг қайта (хар йиллик) баҳоланиши**

23. Бошқармада коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги баҳоланиши доимий равиша, бир йилда камидан бир марта, қоида тариқасида йил бошида бошқарма раҳбарининг тегишли буйруғи асосида ўтказилади.

24. Қайта (ҳар йиллик) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш муддати 2 ойдан ошмаслиги лозим.

25. Йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ушбу услубиётнинг 2-бобида кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш тартибида амалга оширилади.

26. Қайт коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бошланишидан олдин Ички назорат тузилмаси бошқарманинг худудий ва таркибий бўлинмалари раҳбарларига олдинги баҳолаш даврига нисбатан қонунчиликда ёки ички идоравий ҳужжатларга киритилган ўзгаришларни аниқлаш мақсадида ушбу Услубиёт 4-иловасига мос шаклда сўровнома юборади.

27. Ички назорат тузилмаси марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан тўлдирилган Сўровномаларни йифади, таҳлил қиласи.

## **6-боб. Бошқармада амалга ошириладиган функциялар ва тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш тартиби**

28. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ташки ва ички ахборот манбаларидағи маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилади, жумладан:

бошқарманинг функцияларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва бошқарманинг ички ҳужжатлари (таркибий бўлинмалар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тўғрисидаги низомлар ва ҳ.к.);

ички текширувлар материаллари, шу билан бирга хизмат текширув материаллари; ички аудит ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг натижалари; одоб-аҳлоқ комиссияси йиғилишлари натижалари;

манфаатдор томонлар, давлат хизматчилари, эксперталар ва бошқа манфаатдор шахслар орасида ўтказилган сўров, жумладан ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича бошқарма ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид мурожаатлар;

бошқарма фаолиятидаги хуқуқбузарликларга оид статистик маълумотлар;

коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожжаатлари;

бошқарма ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисида ОАВдаги маълумотлар;

ижтимоий тармоқларда қолдирилган изоҳлар;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар, жумладан жиноят ишларига доир ахборотлар ва бошқалар.

29. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида бошқарманинг ҳар бир функцияси ва тартиб-таомили бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этилиш имкониятлари мавжудлигини таҳлил қилиш лозим.

30. Санитария-эпидемиология хизматидаги ҳар бир функция қўйидаги шкала бўйича баҳоланади:

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функция;

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функция.

31. Ўрганилаётган функция доирасида амалга оширилаётган тартиб-таомилларнинг ўзига хос хавф-хатарини баҳолаш қўйидаги мезонларга кўра амалга оширилади:

юқори даражадаги хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг күп мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

ўрта даражадаги хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

паст даражадаги хавф-хатар хавф-хатарлар кўзда тутилмаган ва ташкилотнинг Ички назорат тузилмасининг асосли хуносаси асосида истисно тариқасида қўлланилиши мумкин.

32. Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш хавф-хатарли ҳодисани амалга ошишининг эҳтимоли ва коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат даражасини ҳисобга олган ҳолда хавф-хатарларнинг аҳамиятлилик шаклидан фойдаланиб амалга оширилади.

## **7-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг қолдиқ даражасини минималлаштириш чоралари**

33. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини белгилашда:

ҳар бир чора бошқарма ходимлари унинг мақсадлари, пировард натижаси ва маълум бир коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш билан алоқасини тушуниши учун аниқ ва равшан ифода этилиши;

ҳар бир чора учун уни амалга ошириш муддати ёки даврийлиги белгиланиши, уни амалга ошириш учун масъул шахслар, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш механизmlари аниқлаб олиниши зарур.

34. Бошқарманинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасига киритилган, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари бошқарманинг Коррупцияга қарши курашиш дастурларига ҳам киритилади.

35. Бошқармадаги коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш устидан назорат Ички назорат тузилмаси томонидан амалга оширилади.

## **6-боб. Якуний қоидалар**

36. Зарурат бўлганда, бошқарманинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш дастурига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар бўйича Ички назорат тузилмаси томонидан бошқарма раҳбарига таклифлар киритилади.

Бошқармада коррупциявий  
хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига  
1-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг бирлашган  
коррупциявий хавф-хатарлар харитаси\***

№	Функция номи	Функциянинг коррупцияви й хавф-хатарга майиллик даражаси (энг кўп мойил / энг кам мойил)	Функция доирасида бажарилаётга н тартиб-таомил номи	Тартиб-таомилни бажариш учун масъул бўлган шахслар (лавозими, бўлинмаси)	Эҳтимолий коррупциявий схема (хавф-хатар)нинг қисқача таърифи	Ўзига хос коррупци явий хавф-хатар (юқори/ ўрта/паст)	Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш учун мавжуд назорат тартиб-таомиллар/тартибга соловчи меъёрий-хукукий ва ички хужжатлар	Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирлар	Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул шахслар (лавозими, бўлинмаси)	Коррупция вий хавф-хатарларни минималла штириш бўйича чора-тадбирларн и амалга ошириш муддатлари	Қолдиқ хавф-хатар даражаси (юқори / ўрта / паст)	Изоҳлар (зарур ҳолларда)
	Тадбиркорлик субъектларида назорат ишларини олиб бориш, хуносалар бериш	Энг кам мойил	Тадбиркорлик субъектларида амалдаги санитария конунчилигига риоя этилиши юзасидан назорат олиб бориш	Бошқарма бошлиги М.Шамшетов, Бўлим бошлиги Т.Байназов, Бўлим бошлиги А.Алтаева,	Конун бузилиши холатлари аникланбади	паст	Ахолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўгрисидаги конун ва ички низом	Хар бир ишчи ходимларни боди камералар билан таъминлаш орқали уларнинг хатти харакатларини назорат қилиб бориш, лабораторияга олинган намуналарни ракамлаштириш	Бошқарма бошлиги ўринбосари М.Шамшетов	Йил якунига кадар	паст	
	Даволаш профилактика муассасаларини назорат килиш	Энг кам мойил	Даволаш профилактика муассасаларид а амалдаги конунчиликла рга риоя этилиши ва шифохона ички инфекциясини олдини олишга каратилган чора-тадбирларни назорати	деволаш профилактика муассасаларини назорат килиш бўлими бошлиги Ю.Бекджанова, мутахассислар М.Арзиева П.Хажиев	Шу кунга кадар конун бузулиш холати содир этилмади.иши	паст	Ахолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўгрисидаги конун ва ички низом, ССВнинг бўйруклари, СанҚвам	Хар бир ишчи ходимларни боди камералар билан таъминлаш орқали уларнинг хатти харакатларини назорат қилиб бориш, лаборатория текширув намуналарни ракамлаштириш	Бошқарма бошлиги ўринбосарлари В.Абсаттарова М.Шамшетов ДПМларни назорат килиш бўлими Ю.Бекджанова	Йил давомида	паст	

	Санитария – эпидемиологик хуносасини бериш	Энг кам мойил	Тадбиркорлик субъектларига ишлаб чикарилган махсулотлариг а ва чет элдан олиб кирилаётган махсулотларга хулоса бериш	Санитария – эпидемиологик хуносасини бериш бўлими Т.Байниязов	Ишлаб чиқариш объектларига борилмаган холда махсулотларга хулоса бериш, лаборатория текширувларин и тўлик ўтказмаслик	паст	Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 318 сонли қарори, ССВнинг 525-1 кўлланмаси	Ишчи ходимларни боди камералар билан таъминлаш, мурожаатлар ва хуносаларни электрон тарзда хужжатлаштириш, лабораторияга олинган намуналарни ракамлаштириш	Санэпид хулоса бериш бўлими Т.Байниязов	Йил давомида	паст	
	Гигиеник ўқитиш ва тарбияланиши ташкиллаштири ш	Энг кам мойил	Мутахассисла рни соҳага доир гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш	Гигиеник ўқитиш ва тарбиялашни ташкиллаштириш бўлими А.Палымбетов Санитария врачи Д.Умарова	Мутахассисларн и соҳага доир гигиеник ўқитиш ва тарбиялашда етарли кўникмалар бермаслик ва тарбияни шакллантирмас лик	юкори	122-сонли бўйрук билан тасдикланган 3-илова	Мутахассисларнинг ўқитиш жараёнини катый нazorат остига олиш ва кузатув камералари остида билим беришларини кузатувга олиш	Гигиеник ўқитиш ва тарбиялашни ташкиллаштириш бўлими А.Палымбетов	Йил давомида	паст	
	Санитария- эпидемиология хизмати тизимида руҳсат бериш	Энг кўп	Ўзбекистонда ишлаб чикарилётган ва чет эллардан олиб кирилаётган биологик фаол моддаларни текшириш ва ишлаб чикариш, олиб киришга руҳсатнома бериш	Бўлим бошлиғи, бош мутахассис ва етакчи мутахассислар	Тақдим этилган намуналарни лаборатория текширувидан тўлик ўтказмаслик.	юкори	Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 131 қарори, Ўз Респ. ССВнинг 2016 йилдаги 207-сонли, 2020 йилдаги 358-бўйруклари	Ишчи ходимларни боди камералар билан таъминлаш, мурожаатлар ва хуносаларни электрон тарзда хужжатлаштириш, лабораторияга олинган намуналарни ракамлаштириш	Санитария- эпидемиология хизмати тизимида руҳсат бериш бўлими Т.Байниязов	Йил давомида	паст	
	Бухгалтерия	Энг кам мойил	Бухгалтерия хисоб-китоби, шартномалар тузиш, давлат харидларини амалга ошириш	Хисобхона бош бухгалтер	Давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви, ойлик маошларини хисоб китобида шахсий манбаат.	ўрта		Электрон тизимини яратиш, хоналарни камералар билан таъминлаш	АКТ инженер программист С.Хожаметов	Йил давомида	ўрта	
	Моддий техникавий базани ривожлантириш	Энг кам	Хизматнинг моддий техникавий базасини ривожлантира ди, чет эл инвестициялар	Моддий- техникавий базасини ривожлантириш бўлими етакчи мутахасис С.Утемуратова	Манфаатлар тўқнашуви, контрагентлар билин муросага кириш	ўрта		Электрон тизимини яратиш, хоналарни камералар билан таъминлаш	АКТ инженер программист С.Хожаметов	Йил давомида	ўрта	

			и билан бевосита ишлайди									
	Санитария-эпидемиологик хулоасаси бериш ва расмийлаштириш	ўрта	Санитария-эпидемиологик хулосалар бериш бўлимларининг фаолиятини мувофиқлаштириш	Санитария-эпидемиологик хулосалар бериш бўлими Т.Байназов	Манбаатлар тўқнашуви, бўлимларнинг фаолиятида аниқланган камчиликларни яшириш	урта		Ишчи ходимларни боди камералар билан таъминлаш, қуйи тизимларда ўтказилаётган текширувларни рақамлаштириш	АКТ инженер программист С.Хожаметов	Йил давомида	юкори	
	Пуллик хизматларни ривожлаториши	ўрта	Ахолига пуллик хизматларни кўрсатиш тизимини ривожлантириш	Пуллик хизматларни ривожлаториши бўлими Т.Байназов	Манбаатлар тўқнашуви	урта		Пуллик хизмат кўрсатиш соҳаларини рақамлаштириш	АКТ инженер программист С.Хожаметов	Йил давомида	ўрта	

